

# **ЮНИСЕФ томонидан Хотин-қизлар фаоллари учун тренинг ўтказилди**



Жамиятда хотин-қизлар фаоллигини ошириш, уларнинг ҳукуқ ва эркинликларини мустаҳкамлаш ҳамда ҳар бир соҳада гендер тенглигини таъминлаш борасида кенг кўламли ислоҳотлар олиб борилмоқда. Президентнинг “Маҳаллаларда ижтимоий хизматларни кўрсатиш ва ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ оиласарга ёрдам бериш тизимини янги босқичга кўтариш ҳамда хотин-қизларни касбга ўргатиш ишларини янада жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори бу ислоҳотларни янги босқичга кўтармоқда.

Ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, уларни касб-хунарга ўргатиш борасидаги ишларни янада жадаллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси ЮНИСЕФ ташкилоти билан ҳамкорликда Хотин-қизлар фаоллари учун “Ижтимоий хизматларни кўрсатишда ижтимоий иш амалиётини қўллаш ва кейс-менежмент асослари” мавзусида 5 кунлик тренинглар ташкил этилди.

Термиз туманида фаолият юритаётган 29 та маҳалла Хотин-қизлар фаоллари учун тренинглар “Марварид” дам олиш масканида бўлиб ўтмоқда.

Малакали мутахассислар томонидан ўтказилаётган тренингларда Хотин-қизлар фаолларига аёллар ва болалар билан ишлаш, ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ хотин-қизлар билан олиб бориладиган ишлар ҳамда уларни амалга ошириш механизмлари кўргазмали амалий машғулотлар орқали тушунирилди.

Хотин-қизлар фаолларига маҳаллаларда оиласар, жумладан хотин-қизлар билан ишни тўғри йўлга қўйиш бўйича тавсиялар берилди.